

МАНЗАРЛАР

Киши бировга қанча меҳр-мурувват кўрсатмасин, ҳеч нарса йўқотмайди. Меҳр нима ўзи, бир оғиз ширин сўз, мурувват-чи, биргина далда. Баъзан шуниям қизганимиз, бировга раво кўрмагандай бўламиз.

4-бет

БИР ТОННА ВИЖДОННИНГ НАРХИ

Ораимизда ўз виждонини молу-ҳавасга алмашаётганлар, таъбир жоиз бўлса, уни «пуллаётганлар» ҳам йўқ эмас.

5-бет

ЖИНОЯТГА БОШЛАГАН БОШЛИҚ

Уни «хожи дўхтир», «Эшон бобо» деб аташарди. Тўю-маъракаларда уйнинг тўри Исмоил ҳожиники эди.

6-бет

ХАВФЛИ ЎХШАШЛИК

Ли-Энн суратни бера туриб Полнинг худди унга ўхшайдиган дўсти борлигини ва унинг машинаси ҳам қора «жип» эканлигини айтишни унуттанди. Йигитлар тунда Алекс Алжерини адашиб отиб қўйишганди.

7-бет

Mustaqillik huquq demakdir

HUQUQ

15

(330)

YURIDIK GAZETA

April					
D.	5	12	19	26	
S.	6	13	20	27	
Ch.	7	14	21	28	
P.	1	8	15	22	29
J.	2	9	16	23	30
Sh.	3	10	17	24	
Y.	4	11	18	25	

2004

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

BRIFING



ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

9 АПРЕЛЬ КУНИ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида шу йил 28 март - 1 апрель кунлари Тошкент шаҳри ва Бухоро ҳамда Тошкент вилоятларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари юзасидан олиб борилган тезкор-қидирув ва тергов ишлари натижаларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашид Қодиров юқоридаги ҳолатлар юзасидан ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан олиб борилган ишларнинг натижалари ҳақида ахборот берди.

Маълум бўлишича, тезкор қидирув ва тергов гуруҳларининг ҳамкорликда иш юритиши натижасида террорчилик ҳаракатлари алоқадор шахсларнинг асосий қисми қисқа муддатда аниқланиб, ҳибсга олинган.

Содир этилган террорчилик ҳаракатлари юзасидан қўзғатилган жиноят ишлари буйича мингдан ортиқ тергов ишлари олиб борилган. Жумладан, гувоҳ ва жабрланувчилардан 700 дан ортиги сўроқ қилинган. Қўпоровчилик ҳаракатларида гумон қилиниб 54 нафар шахс ушланган ва улардан 45 нафарига айблов эълон қилиниб, қамоққа олинган. Уларнинг 15 нафари аёллардир. Қўлга олинганлардан 9 нафарининг эса жиноятларга алоқадорлиги текширилмоқда.

Ҳозирча ҳалок бўлган террорчилардан 30 нафарининг шахси аниқланган, бошқаларининг кимлиги эса ДНК экспертизаси текшируви натижаларидан сўнг маълум бўлади.

Воқеалар юз берган жойлардан ва жиноятчиларни тинтув қилиш вақтида катта миқдордаги ўқотар қуроқлар ва ўқ-дорилар, портловчи мосламалар, уларни тайёрлашга оид қўлланмалар, диний адабиётлар, сохта ҳужжатлар ва бошқа кўплаб ашёвий далиллар топилган.

Қўлга киритилган барча ашёвий далиллар буйича суд экспертизалари тайинланган ва 232 та турли суд экспертизалари ўтказилмоқда. Портловчи мосламалар буйича ўтказилган дастлабки экспертиза хулосаларига кўра, улар ясама бўлиб, уй шароитида қўлбола усулда тайёрланган.

Экспертиза натижаларидан маълум бўлишича, террористлардан олинган «Калашников» автоматлари, тўпнотча ва бошқа ўқотар қуроқлар, шунингдек ўқ-дорилар фойдаланишга яроқлидир. Жиноятчилар томонидан эгаллаб олинган милиционерларнинг учта тўпнотчасини ҳисобга олмаса, қолган ўқотар қуроқлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, МХХ ва ИИБ ҳисобида бўлмаган. Аини пайтда эса қуроқ-яроқларнинг мамлакатимиз ҳудудига қандай йўллар билан киритилганлиги ва уларнинг манбалари аниқланмоқда.

Тергов жараёнида аниқланишича, 2000 йилдан ҳозирга қадар Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро вилоятларида бир неча хавфли диний-экстремистик террорчи «жамоат» гуруҳлар яширин фаолият олиб борган. Жиноий ташкилот раҳнамоси Ўзбекистондан ташқарида туриб, «жамоат» лар фаолияти ва уларнинг халқро экстремистик ташкилотлар билан алоқаларига, ушбу гуруҳларнинг махсус лагерларда жанговар тайёргарликдан ўтишини молиялаш ҳамда таъминлашга умумий раҳбарлик қилган ва мувофиқлаштириб турган.

Қамоққа олинганларнинг кўрсатма беришича, улар «Ал-Қоида» жангарилари тайёрланадиган қўпоровчилик лагерларида жанговар тайёргарликдан ўтишган ва араб инструкторларидан таълим олишган.

Ҳозир ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан илгари турли диний-экстремистик оқимларга алоқадор шахс сифатида рўйхатга олинганларнинг ушбу террорчилик ҳаракатларидаги иштироки ўрганилмоқда. Шу мақсадда ички ишлар идораларига келтирилган 412 нафар шахснинг 9 нафари ушлаб қўлинган. Қолганларининг барчаси бу ишга алоқадорлиги тасдиқланмаганлиги боис қўйиб юборилган.

Мамлакатда вазиятни янада барқарорлаштириш мақсадида ҳукумат комиссияси, жойлардаги комиссиялар ҳамда маҳаллалар томонидан аҳоли ҳушёрлигини ошириш, оғоҳликни кучайтириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилмақда.

Иш буйича олиб борилган тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

TADBIR

АГРАР СМЁСАТ – УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

ЯҚИНДА Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ер ресурслари давлат қўмитаси ҳамкорлигида Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида қўшма тадбир — ўқув-амалий машғулот ўтказилди.

Унда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари, туманлари ва транспорт прокурорлари ҳамда ер ресурслари хизмати ходимлари, қишлоқ ва сув ҳўжалиги корхоналарининг масъул шахслари иштирок этдилар.

Машғулотда мамлакатимиз Президентининг 2004 йил 11 мартдаги «Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижроси аҳволи ҳамда қишлоқ ҳўжалигида ерлардан оқилона фойдаланиш, пахта ва ғалла майдонлари мониторингини ўтказиш тартиблари, фермер ҳўжаликларига ер ажратиш, шунингдек шартнома мажбуриятлари ҳақида сўз юритилди. Ушбу масалалар ҳусусида Ер ресурслари давлат қўмитаси раиси Э.Қурбонов, Бош прокуратуранинг қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Э.Менглиевларнинг маърузалари эшитилди.

Йиғилишда сўзга чиққан қатор туман прокурорлари ва соҳа мутахассислари ҳам мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш буйича фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Машғулот якунида чигитлар униб чиққан ва агротехника ишлови ўтказилган майдонларда деҳқонлар билан очиқ мулоқот ўтказилди.

(Ўз мухбиримиз)

Моҳият

Давлатда фақат фазилатлар ва нуқсонларни ўлчаш учун умумий мезон мавжуд бўлади. Ҳар бир давлатнинг қонунлари худди шундай мезон бўлиб хизмат қилади.

Томас ГОББС

MUNOSABAT

КАРВОН ЎТАВЕРАДИ...

ТАРАКҚИЁТ сари собитқадамлик билан одимлаётган Ўзбекистонга гайир куз билан қарайдиганлар ва оқни қора кўрсатиб лоф уришдан уялмайдиган айрим хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари март ойининг охирида ва апрелнинг биринчи кунларида Тошкент шаҳрида, Бухоро ҳамда Тошкент вилоятларида содир этилган террористик ақтларни ҳасадли ҳасратларини тўкиб солиш учун бир имконият деб билдилар.

Мана, улардан айримлари билан танишинг: Интернетдаги «Центрлазия.гу» сайтда «В Ташкенте остались одни террористы» деган ваҳимали сарлавха

остида мақола чоп этилган. Унда жумладан шундай дейилади: «... Тошкентда яна портлаш содир этилди, одамлар гаровга олинган, террористлар билан милиция ўртасида отишмалар давом этапти. Пойтахт кун сайин хувиллаб қолмоқда — магазин ва фирмалар ишламаяпти, жамоат ташкилотлари фаолияти тўхтаган. Шаҳар аҳолиси бутун оиалари билан Тошкентни тарк этмоқда.

Журналистларнинг таҳминий ҳисоб-китобларига қараганда, бир сутка маъинида 30 мингга яқин оила Тошкентдан чиқиб кетган».

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Марказий Осиёда терроризм ва гийҳвандлик моддаларининг ноқонуний савдосига қарши курашиш масалалари ҳақидаги китоби устида ишлаётган инглиз кузатувчиси Николь Жексон деган жаноб эса «Терроризмнинг янги эпицентри» деб номланган чиқишида «Ўзбекистондаги терактлар ҳеч қим учун сюрприз бўлмади» керак. У репрессия ва антидемократик сиёсат юритаётган авторитар Ўзбек ҳукуматиға қарши қаратилган норозилик натижасидир» деган ҳақиқатдан мутлақо узоқ бўлган хулосага келади. Айрим хориж матбуотида чоп этилган мақолаларда эса Тошкентда ва Бухорода содир этилган терактларнинг халқаро терроризмга ва уларнинг ташкилотларига умуман алоқаси йўқ, бу ҳаракатлар қашшоқ, ишсиз, ҳукуматдан норози Ўзбек халқининг сабр касоси тўлганлигини билдиради деган гаразли фикрлар илгари сурилади.

Бутун бир мамлакат, бутун бир халққа нисбатан тўхмат қилишдан ўзларини тия олмаган айрим хорижий оммавий ахборот воситалари юқоридаги каби носоглом фикрлар билан қимни чалғитмоқчи, қандай мақсад кўзлаганлар — бу уларнинг

ўзларигагина аён. Юртдошларимизнинг, хусусан Тошкент аҳолисининг «Немис тўлқини»даги лофлари эшитиб ёки «Независимая газета»даги бўхтонларни ўқиб газаби ошганлиги аниқ. Негаки, ўзинг кўриб, гувоҳи бўлиб турган воқеаларга минг чакирим нарида турган кишининг бошқача тус бериши, аравани куруж олиб

ган ёвуз иллат олдида ҳеч қачон тиз чўкмаслигини билдиради. Буни «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўровлар натижаси ҳам кўрсатиб турибди. Тадқиқотда ишларикот этган юртдошларимизнинг деярли барчаси (99,6 фоиз) террорчиларнинг мақсади мустақил-

машиналар, бронетранспортёрлар билан тўлган», «одамлар саросимада, ўй-уйларига бекиниб олишган, фақат ўта зарур юмушлар бўлангина кўчага чиқшмоқда», «болалар боғчасини террорчилар эгаллаб олишди» деган ғирт ёлгон, бўхтон хабарлар-чи?

1 апрель кунни кечки соат 9 лар

ни, ҳақиқатдан беҳабар бўлганларни беҳуда хавотирга солишини. Тўғри-да, Тошкентдан қарийб минг чакирим олимда яшовчи кишига бирон-бир одам «фалон телеканалда эшитдим, фалон газетда ўқидим» деб гап етказиб қолса, менимча, кўнглига ноҳушлик кириши, хавотирга тушиши турган гап. Шундай экан, асоссиз миш-мишларга, ҳуда-беҳуда гапларга умуман ўрин бўлмади керак.

Бош прокуратурада ўтказилган брифинглар, Ўзбекистон телевидениеси ва марказий нашрларимизда эълон қилинган расмий хабарлар орқали содир этилган қўпуровчилик ҳаракатлари ҳақида руй-рост маълумотлар берилади. Террористик ҳаракатлар юзасидан олиб борилаётган тезкор-қидирув ва тергов ишлари натижалари қисман ошкор этилди.

Ўтган жума кунни Бош прокуратурада журналистлар учун ўтказилган брифингда айтилганчдек, халқимизнинг оқсоиша турмушига кўз олайтирган, ўзларининг ёвуз ниятлари йўлдан жирканч ишларга қўл урган жиноятчилар, уларнинг орқасида турган кимсалар қилмишлари учун албатта суд олдида жавоб бериладур.

Дилшод ИСЛОМОВ, «Нуқуқ» муҳбири

КАРВОН ЎТАВЕРАДИ...

қочиши қимнинг ҳам нафсониятига тегмайди дейсиз?

Ақсарият чет эл телеканалларида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида Тошкентнинг айрим жойларида қўпуровчилик ҳаракатлари содир этилган бўлса-да, аҳоли саросимага тушмаганилиги, шаҳар ҳаёти бир маромда давом этаётганлиги, Тошкент кўчалари ҳар доимгидек гажув эканлиги, ташкилот-корхоналарда одатдагидек иш давом этаётганлиги хусусида хабар берилади. Бундай ҳаққоний маълумотлар киши кўнглига таскин беради, ўзбек халқининг иродаси қатъий эканлигини, терроризм де-

лигимизга тажовуз қилиш, оқсоиша турмушимизни издан чиқариш ва одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончига пугур етказиш деб жавоб берганлар. Шунингдек, сўровда қатнашганлар мамлакатимизнинг терроризмга қарши қатъий кураш олиб боришини ёқлаганлар ва давлатимиз ўз аҳолисини ҳимоя қилиш, тинчлик ва оқсоишга қўлатиш учун бутун имкониятларни ишга солишга тайёр эканлигига ишонч билдиришганлар.

Аммо «Тошкент атрофида террористлар ва махсус кучлар ўртасида шиддатли жанглар давом этмоқда», «шаҳар кўчалари ҳарбий

атрофида узоқ Учқудук шахрида яшовчи синглим уйга қўнғироқ қилиб қолди. Аёл киши-да, кўнгли бўш, сўрашишга улгурмасимдан йиллаб юборди: «Ака, Тошкентда тинчликми, соғ-омонмисизлар?». Унга ҳам-маси жойида эканлигини, хавотирга тушмасликини ўқтирдим. «Унда нега...» ҳар хил гаплар эшитяптимиз, террорчилар жанг қилиб шаҳарни...». Синглимга эшитган гаплари сафсата эканлигини, онги-ю қалби захарланган 30-40 нафар бузғунчи бутун бир халқни енга олмаслигини ўқтирдим.

Шунда мен амин бўлдим, ёлгон маълумотлар қимларни чалғитиши-

муддат бетоблиги муносабати билан ёки бошқа узрли сабабларга кўра қамида беш йилдан бери ўз қарамоғида сақлаётган шахслар унинг ота-онасига тенглаштирилади.

Умумтаълим мактабларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган қақирилувчилар, шунингдек, олий таълим муассасаларида қундузги ўқишда таҳсил олаётган талабалар ўқишини давом эттиришлари учун уларнинг қақирилиш муддати

МУҚАДДАС БУРЧ

Маълумки, Олий Мажлиснинг иккинчи қақирик ўнинчи сессиясида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган эди. Мазкур қонун аввалгисидан тубдан фарқ қилиб, ҳарбий соҳадаги ислохотларга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

АСКАРЛИК ҚАМ БИР ШАРАФ

Яқши биламизки, қонун ҳужжатларининг хоҳияти, ундан келиб чиқувчи ҳуқуқ ва бурч фуқаролар томонидан теран англаб етилсагина, самара беради. «Касални доволагандан кўра, олдини олган афзал» деган мақол тиббиётчиларгагина тааллуқли эмас, албатта. Жумладан, қонун талабларидан беҳабарлик ва унинг оқибатида келиб чиқувчи ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, турган гапки, ҳуқуқий тарғиботга эҳтиёж туғдиради. Шу маънода, Тошкент ҳарбий округи прокуратураси ҳодимлари томонидан жойларда мудофаа ишлари бўлимлири ва пойтахт маҳаллаларида мунтазам равишда ҳуқуқий тарғибот ишлари ўтказиб келинмоқда.

Айни кунларда ҳам қақирилувчи ёшлар, уларнинг ота-оналари, маҳалла фаоллари, мудофаа ишлари ва ички ишлар ҳодимлари, шунингдек, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» жамағармаси ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Айтиш мумкинки, бундай тадбирлар «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунни жамятимизда тарғиб этиш ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 10 мартдаги «Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларига навбатдаги қақирув тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Қуролли кучлар сафида бурчларини шараф билан эдга этган йигитлар жорий йилнинг апрель-май ойларида ота-оналари бағрига йўл олишди, улар ўрнини яна соғлом, маҳуваат, Ватан ҳимояси учун бел боғлаган ўғлонлар тўлдирдилар. Баъзи ота-оналар Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунни талаблари-

дан тўлиқ боҳабар бўлмаганлиги тудайли фарзандининг армияга қақирилиш муддатини кечиктириш ёки муддатли ҳарбий хизматдан қолдиришни илтимос қилиб, мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларига, бошқа идораларга мурожаат қилишди. Шунинг учун муддатли ҳарбий хизматга қақирив, қақирувни кечиктириш қонидалари тўғрисида армияга навбатдаги қақирув пайтида маълумот бериб ўтишни лозим топдик.

Қақирилувчиларнинг муддатли ҳарбий хизматга, сафарбарлик қақирувни резервидаги хизматга қақирилиш муддатини кечиктириш туман (шаҳар) қақирув комиссиясининг қарори асосида уларнинг оилавий шароитига кўра, саломамлигига кўра, ўқишни давом эттириши учун амалга оширилади.

Қақирилувчиларнинг муддатли ҳарбий хизматга ва сафарбарлик қақирувни резервидаги хизматга қақирилиши муддатини оилавий шароитга кўра кечиктириш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- 1) қақирилувчининг ота-онаси меҳнатга қобилиятсиз бўлиб, уларни боқиши шарт бўлган меҳнатга қобилиятли воғга етган ўғли бўлмаса (ота-онанинг меҳнатга қобилиятсизлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади);
 - 2) қақирилувчининг меҳнатга қобилиятли ёлғиз онаси ёки отаси бўлиб, уларнинг қарамоғида ўн олти ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ фарзанди бўлгани ҳолда меҳнатга қобилиятли воғга етган бошқа ўғил бўлмаса;
 - 3) қақирув кунида қақирилувчининг туғишган ака-укаларидан бири муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган бўлса;
 - 4) қақирилувчининг онасиз тарбияланаётган воғга етмаган бир фарзанди бўлса;
 - 5) қақирилувчининг биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногирон хотини ва воғга етмаган икки ва ундан ортиқ фарзанди бўлса;
- Қақирилувчининг унинг ота-онаси вафот этганлиги, улар узоқ

ўқишни томонлағунларига қақар кечиктирилади.

Таълим муассасаларидан ўқишдан четлатилган шахслар қақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар.

Қақирилиш муддатини кечиктириш асосларини йўқотган қақирилувчилар, шунингдек, турли сабабларга кўра муддатли ҳарбий хизматга ёки сафарбарлик қақирувни резервидаги хизматга қақирилмаган шахслар қақирилиш кунини йилгирма етти ёшга тўлгунга қақар Қуролли кучлар сафига навбатдаги қақирув пайтида қақирилдилар.

Тинчлик даврида муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик қақирувни резервидаги хизматга қақирилишдан қуйидаги шахслар озод этиладилар:

- 1) саломамлигига кўра ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган қақирилувчилар;
- 2) яқин қариндошларидан бири (ака-ука, опа-синглими) ҳарбий хизматни ўташ вақтида ҳалок бўлган ёки вафот этган қақирилувчилар;
- 3) рўйхатдан ўтган диний ташкилотлардан бирида диний рутба эгаси бўлган қақирилувчилар.

Иккинчи бандда кўрсатилган шахслар ўз розиликлари билан ҳарбий хизматга қақирилишлари мумкин.

Жиний ҳавобгарликка тортилган, шунингдек, судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар ҳарбий хизматга қақирилмайдилар.

Бундан ўн-ўн беш йиллар бурун йигитларимиз орасида ҳарбий хизматдан бўйин товлаш ҳолатлари ҳам учраб турар эди. Бугун эса бунинг акси: аскар бўламан, Ватанимга хизмат қиламан деган туйғу юрагида жўш ураётган ўғлонларимиз беҳисоб. Бу бир нарсадан, юртимиз истиқболи порқоқлигидан дарак беради.

Баҳтиёр ҲАСАНОВ, Тошкент ҳарбий округи ҳарбий прокурорининг ёрдмчиси

ОГОХЛИК, КУШЁРЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

КЕЛАЖАККА УМИД ВА ИШОНЧ

Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятининг Ромитан туманида амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари натижасида бегун ҳурбон бўлганларга чукур таъзиямини билдираман. Ватан учун жонини фидо қилган юртдошларимиз руҳи олдида бош эгамиз.

Давлатимизнинг ривожини, ҳаётимизнинг гуллаб-яшнашини, халқимизнинг тинч-оқсуда яшаётганлигини кўролмаётган ёвуз ниятли кимсаларни кишлоғимиз аҳли қатъий қоралайди. Уларга қарши курашда бир тан-бир жон бўлиб, Президентимиз атрофиға бирлашиб, қора ниятли кимсаларга қарши курашишда янада ҳамжихат бўламиз.

Мудҳиш воқеаларни содир қилаётган нопок кимсалар ўз хатти-ҳаракатлари билан ҳеч қандай натижага эриша олмаслигига биз аминимиз. Чунки халқимиз қалбида фақат бир нарсас — келажакка умид ва ишонч мавжуд. Эртанги кун умиди билан яшаётган, буюк келажак қуриш йўлида фидоқорона меҳнат қилаётган элли ҳеч қандай ёвуз кучлар таҳликага сола олмайдди.

Б.ЖУМАНИЁЗОВ,

Хива тумани «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Ўзбекистон қаҳрамони

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН

Тошкент шаҳрида ва Бухоро, Тошкент вилоятларида содир қилинган террорчилик ҳаракатлари ҳар биримизни янада ҳушёрроқ бўлиш ундамоқда. Энг ачинарлиси, ана шу террорчилик ҳаракатлари натижасида бир қанча юртдошларимиз ҳаётдан бевақт кўз юмди. Кейинги йилларда террорчилар ўзларининг қора ниятларини амалга ошириш мақсадида дунёнинг турли жойларида тинч аҳолининг ҳаётига хавф солмоқда.

Шундай экан, ҳар биримиз юртимизнинг тинчлиги ва оқсоишталлиги учун курашмоғимиз, бунинг учун маҳаллалар, овуқлар ва қишлоқларимизда ҳушёрлигини оширишимиз керак. Ана шунда ҳеч қим бизнинг тинч ҳаётимизга таҳлика сола олмайдди.

Республика транспорт прокуратураси ташаббуси билан яқинда Тошкент Темир йўл муҳандислари институтида «Жаҳолат — тараққибёт кушандаси» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Ёшлар билан юзма-юз мулоқотдан мақсад террор баласининг илдинини, у ҳеч қачон эзулиги устидан голиб чек олмаслигини уларнинг қақибига сингдириб, мудом ҳушёр бўлишга ундашди.

Ёдгорхон ГАППАРОВА

Республика транспорт прокуратурасининг бўлим катта прокурори

МУНОЖОТ

Худо, пок дилин бедор эт,
Қайсар гулроҳа сен дор эт.
Эй тоғ, ҳайда қаро тунни,
Ўзборсиз кунин дилдор эт.

Элимнинг кўнги маҳ ўрасин,
Бу ҳолат олий жоҳ ўрасин.
Ақлининг ўрни осмон-у
Жаҳолат ўрни чоҳ ўрасин.

Баҳор, ҳар гулини ниғоҳ эт.
Эй дил, қақирилса сул, оҳ эт.
Ногоҳ бир ниғраби кўнглим,
Танграм, халқимни огоҳ эт!

Давуд МАҲДИЙ

Мактублар, шикоятлар, жавоблар

● **MUNOSABAT**

ҚАВОНАТНИ ҲО'ҚОТАЙЛИК!

Мамлакатимизда яқинда рўй берган воқеалар бизни яна бир бор огоҳликка чорлади. Аҳоли ўртасида ваҳима уйғотишни мақсад қилганлар ёшу қарининг бирдек газабини кўзғатди. Халқимиз бир тан, бир жон бўлиб галамисларни таг-томири билан кўпориб ташлашга қодир. Ватанимизнинг эртанги кунини, зурриёдининг камолини истайдиган ҳар бир фуқаро бу жараёндан четда турмаслиги керак.

Adham ODINAYEV,
TDVI talabasi

● **JAVOB**

ИМТИЙОЗДАН FOYDALANOLMAYAPMAN...

Мен Хоразм вилоят Ҳазорасп туманидаги 20-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. 14 йиллик фаолиятим давомида чизмачилик, тасвирий санъат, меҳнат таълими, физика, астрономия, математика, информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фанидан ёшларга таълим бериб келдим. Мана, икки йилдирки, чақирқиқча ёшларни тайёрлаш дарсини ўтатарман. Шу вақтгача барча буржларимни биламан ва вақти келганда ҳуқуқимни талаб қилишга ҳам кучим етади деб юрардим. Лекин ўқитувчиларга бериладиган баъзи имтиёзлар менга беримай келаётганлиги сабабли сизга мурожаат этишни лозим топдим. Мақтаб бош

Ҳисобчисига учрашсам, дипломингиз ўқитувчи ихтисослиги бўйича эмас, шунинг учун сизга имтиёз берилмайди деди. Мен Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригация ва механизациялаштириш инженерлари институтини битирган бўлсам-да, 14 йил ичида 4 марта Хоразм вилоят ўқитувчилар макасини ошириш институтида малакамни ошириб қайтганман. Хурматли тахририят ходимлари, ушбу масала юзасидан ҳуқуқимни тиклашда ёрдам берсангизлар.

Bahodir QUTLIMURODOV,
Hazoraspp tumani Sanoat qishloq'i

Rustam AHLIDDINOV,
Xalq ta'limi vazirining birinchi o'rinbosari

● **AKS-SADO**

OLAM HAQIQATAN HAM SIRLI

Мен ҳайдовчи бўлиб ишлайман. Ўзбекистон ҳудудидида бир шаҳардан бошқасига турли истеъмол молларини етказиб бериш асосий вазифамизга кириди. Албатта, ҳар бир касб қатори, ҳайдовчиликнинг ҳам ўзига яраша қизиқарли томонлари ва қийинчиликлари бор. «Ниқуқ» газетасини қизиқиб ўқийман. Ундан фуқаро билиши керак бўлган ҳуқуқларни ўрганиши билан бирга прокуратура соҳасидаги ўзгаришлар ҳақида билиб бораман. Ёшиқда инсон нима касб бўлса ҳам ғайриоддийроғини эгаллашни орзу қилади. Космонавт бўлиб коинотни забт этиш, журналист бўлиб машҳур кишилар билан мулоқотда бўлишни ким хаёл қилмаган дейсиз. Мен ёшлигимдан ҳуқуқшуносларга ҳавас қилардим. Шу ҳақда фильм намойиш этилса, нафас олмай кўрардим. Шу боис бўлса касб, «Ниқуқ»-жа қизиқишим банд. Айниқса, «Сирли олам» саҳифасида берилаётган мақолалар жуда қизиқарли. Дунёнинг қайсидаги бурчагида содир бўлган криминал воқеалар, жинсий тўдалар ҳаёти инсонни ўйга толдиради. Сўзларимнинг исботи учун ўтган йили менга ёққанларини айтиб ўтсам. «Топилмаган ҳазиналар», «Олмос жодуси», «Мафиозлар синадиган мазор», «Гангстерлар қироли»...

O'.SHARIPOV,
Mirobod tumani

● **Mohiyat**

Erkinlik
qonun yo'l
qo'yg'an
barcha
narsalarni qila
olish
huquqidir.

Sh. MONTESKYE

● **Minnatdorchilik**

EZGULIKKA TASHNADIR KO'NGIL

Дунё ярибдики, инсон тинч ва фаровон яшаш учун интилади. Табиийки, у ҳаёти давомида турли тўсиқ ва муаммоларга дуч келади. Уларни енгиш учун баъзан ёрдамга муҳтож бўлади. Ҳар куни прокуратура хаткутисига Ватанимизнинг турли минтақаларидан ўнлаб мактублар келади. Уларни ўқиб баъзан қувонсақ, гоҳида ранжиймиз. Чунки хатларнинг кўпчилиги мададталаб мактублардир. Фуқароларнинг муаммосини ҳал қилишга кўмаклашамиз. Шунданми, прокуратурага келаётган миннатдорчилик мактублари ҳам талайгина.

Фаргона вилояти Кува тумани «Деҳқонobod» ширкат хўжалигида яшовчи 64 ёшли отахондан шундай раҳматнома олдик. 19 набиранинг севишли бобоси Абдурахим Юсупов туман прокурори Аббос Ҳамидовдан жуда миннатдор эканлигини билдиради.

— Кўп «катталарга учрашганман, — деб ёзади Абдурахим ота мактуби сўнггида. — Аббосхон дорднингизни тушуниши, маслаҳат бериши, муаммони ўз вақтида, одилона ҳал қилиши билан ажралиб тургани. Отасига раҳмат, умри зиёда бўлсин.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ёшларнинг пухта билим олишга кенг йўл очиб берилди. Ўнлаб академик лицей, гимназия, коллежлар, мактаблар бунёд этилди. Янги анжомлар, компьютерлар билан жиҳозланди. Бу борада прокуратура ходимлари томонидан жойларда амалга оширилган ишлар юзасидан Республика Бош прокурори номига кўплаб раҳматномалар келиб турибди.

Шундайлар қаторига Норин туман халқ таълими бўлими mudiri вазифасини бажарувчи Б.Мирзаев имзоси билан юборилган миннатдорчилик хатини қўшишимиз мумкин:

● **Madadtalab maktab**

GAZNING EGASI KIM?

Бундан уч-тўрт йил олдин хўжалигимизга газ келганида ғоят хурсанд бўлган эдик. Аммо қувончи кунларимиз узоққа чўзилмади. Мана, икки йил бўлдики, ширкат хўжалигимизнинг 5-, 6-, 7-, 8-бригадаларида октябрдан бошлаб беш-олти ойлаб газ бўлмади. Биз бу масала бўйича Беруний туман газ таъминоти бўлими бошлиғи Маҳмуд Қоравега, туман ҳокими Т.Самандаровга бир неча бор мурожаат қилганмиз. Натига бўлмади. Сабр қилиб икки йил қишда газсиз ўтирдик. Ҳатто баҳор келиб, апрел ойи бошланди ҳамки, бизда газ йўқ. Хўжалигимизга газ линияси тумандаги «Навоий» ширкат хўжалиғи орқали ўтиб боради. Аянчлиси шуки, мазкур хўжаликдаги айрим «тадбиркорлар» 20 та жойда оҳақ пишириш цехи ташкил этиб, газни ноқонуний равишда ишлаштиряпти. Бу масала бўйича арзимизни кимга айтишни ҳам билмай, охири «Ниқуқ» газетасига мурожаат қилишни лозим топдик. Шояд муаммони ҳал қилишга ёрдам берсангизлар.

X.RAJABOV,
Z.DO'STJONOV va boshqalar.
Beruniy tumani «Guliston» shirkat xo'jaligi

«NEGA PUL TO'LAYAPMIZ?»

«Ниқуқ», 2004 йил 7-8-сон

Газетада Чиноз тумани Олмазор кўргони «Богбон» маҳалласи аҳолиси номидан ҳудудга газ таъминоти хусусидаги шикоятни чоп этилган эди. Арзиз юзасидан 2004 йил 2 апрелда Чиноз тумани прокурори имзоси билан жавоб хати олдик.

Ҳақиқатан ҳам мазкур ҳудуд аҳолиси 2003 йилнинг октябр ойидан бошлаб босим жуда паст бўлганлиги учун газдан деярли фойдалана олмаган. Бу ҳолат 1998 йилдан 2003 йилгача давом этган. Аммо аҳоли газ таъминоти идорасига 1998-2003 йиллар мобайнида 356.686 сўм ҳақ тўлаган. Ушбу ҳолатларни инobatта олиб, Олмазор кўргонида ҳам янги газ тақсимлаш станцияси қурилишини «Тошкент-вилoятга» корхонасининг 2005 йил режасига киритиш мўлжалланган.

Юқорида кўрсатиб ўтилганларга асосан «Богбон» маҳалласида яшовчи аҳолининг манфаатини кўлаб, вилоят миқёсида ушбу масалани ҳал этиш ва лимит доирасида табиий газдан узлуксиз фойдаланилишини таъминлаш чорасини кўриш ва қўрилган чора ҳақида туман прокуратурасига маълум қилиш ҳақида Тошкент вилояти ҳудудий газ таъминоти раҳбари Н.Акрамовга хат юборилган.

M.MIRZAYEV,
Chinoz tumani prokurori

TAVSIYA BERILGAN

Биз ширкат хўжалиғи тасарруфидида мевали бoғдан бир гектарини фермер хўжалиғи қилиб олиш мақсадида хўжалик раҳбарига мурожаат қилган эдик. Лекин хўжалик раҳбарлари бoғдаги ҳар бир тул мевали дарахтни ўзларича баҳолашяпти. Натижда ўртача 800.000-1.500.000 сўм тўлашимизга тўғри келяпти. Раҳбарларнинг бундай йўл тутуши тўғрими? Агар тўғри бўлса, меҳнат фаолияти ширкат хўжалиғи билан боғлиқ бўлган деҳқон қандай қилиб фермер хўжалиғи ташкил қила олади?

Yangiboy NIYOZMETOV,
Sotiboldi DAVLATOV,
Shukurullo ERKAYEV,
Urganch tumani «Guliston» shirkat xo'jaligi

Урганч туман прокуратураси томонидан «Гулистон» ширкат хўжалиғида яшовчи Я.Ниёзметов ва бошқаларнинг аризаси юзасидан қишлоқ ва сув хўжалиғи бошқармаси билан биргаликда текшириш олиб борилди.

Аниқланишича, Хоразм вилоят қишлоқ ва сув хўжалиғи бошқармаси ҳамда давлат мулкни бошқариш ҳудудий бўлинимаси билан биргаликда 2003 йил 23 декабрда вилоятдаги боғларнинг бошланғич қийматини аниқлаш бўйича услубий тавсиялар берилган. Боғлар шу тавсия асосида баҳолашиб, фермер хўжалиқларига берилиши мумкин.

O. HAYITBOYEV,
Urganch tumani prokurori

— Сизга бу мактубни туман маорифчилари номидан йўлламоқдамиз. Мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг омма билан мустаҳкам олақода бўлиши таҳсинга лойиқ иш. Республика прокуратура органларининг халқ таълимини ислоҳ этиш бўйича «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Таълим тўғрисида»ги қонун ва соҳага оид ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимиздаги қатор мактабларни оталиққа олгани ва улардаги шартини яхшилаш учун гам-хўрлик қилаётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Сизнинг бевосита раҳбарлигингиз туғайли тумандаги 7-ўрта мактаб қисқа муддат ичида тўла таъмирланди. Давлат таълим стандартлари талабига жавоб берувчи жиҳозлар билан таъминланди. Мактаб жамоаси бунга жавобан ўқувчиларга чуқур билим беришга, уларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга ҳаракат қилмоқда. Туман муаллимлари бундан буён ҳам республикамизда қонунчиликни мустаҳкамлаш йўлида амалга ошириладиган ишларнингизга муваффақият тилайди.

Бундай дил изохларини ўқиган ўқувчида қандайдир кўтаринки руҳ, яхшиликка интиқлик пайдо бўлади. Юртимиздаги ўзгаришларни кўриб дилинг қувончга тўлади. Эзуликка ташналик бутун вужудингни қамраб олади. Бундан кейин ҳам барча прокуратура ходимлари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, халқимизга хизмат қилишга доимо тайёрдир.

Zikrulla RASULOV,
Respublika Bosh prokuraturasi
kadrlar boshqarmasi katta prokurori

2004 — MEHR VA MURUVVAT YILI

Ўзимга ўхшаган-ўхшамаган одамларни кузатиб, шундай хулосага келдим: одам бир умр меҳрга ташна бўлиб яшайди, бир умр меҳрга қонмайди. Одам бир умр меҳрдан безмайди. Ҳатто буюк Алишер Навоий «Меҳр кўп кўргузимди, аммо меҳрибоне топмадим» деб фйон қилди.

«Одамларга меҳр кўрсатдим, ўзим эса меҳр кўрмадим, оқибат кўрмадим». Ҳаётда бир марта бўлсам шундай демаганини топиш осонмас. Нега шундай?

Меҳр кўрсатиб меҳр кўрмаган бормикан аслида?!

Агар биз меҳр кўрмаганимизда эди... Тўғри тушундингиз. Аллоҳнинг меҳри, ундан сўнг ота-она меҳри билан дунёга келдик, устозлар меҳри билан шахс бўлдик. Ўз дунёқарашимизга эга бўлдик.

МАНЗАРАЛАР



Бир манзара: икки йигит дўстона кучоқлашиб шодлиқдан қийқириб, ўтган-кетганларнинг ажабланиб қарашларига парво ҳам қилмай, бақириб-чақириб галлашяпти. Кўзларда биланар билинмас ёш. «Сен одам эмассан, шунча вақт ҳам келмайсанми...», «Ўзинг одаммассан, бир мартаям бормадингга Қаршига излаб, қандоқ дўстсан ўзи?!».

Бу икки йил кўришмаган дўстнинг кутилмаганда эшик қоқиб келиши, қиёматли дўстнинг келиши, меҳринг келиши. Дўстнинг дўстга меҳри бу, бошқа таъриф йўқ. Одам фақатгина меҳрга қонмайди.

Яна бир манзара: «Тошкент-Бухоро» поезде жўнаяпти. Икки дўст — бири кетаяпти, бири кузаяпти. Поезд жойидан кўзгалди. Кетаятган дўст кетолмаяпти, кузаятган дўст қўйиб юборолмаяпти. Дўст кетиши керак, дўст қолиши керак. Меҳр йилмаяпти. «Яна қачон келасан?», «Ўзинг бор Навоийга», «Бўпти, дўхтир, поезд юрди», «Яна қачон кўришамиз?», «Билмадим, худо хоҳласа»... Мингичи марта қўл сиқишиш...

Одам боласининг одам боласига меҳр қўйиши бу. Юзлаб ошанга-жўралар орасидан танланган дўстни кузатиш бу. Меҳрининг топиши бу, бошқа таъриф йўқ. Одам боласи фақатгина меҳрдан безмайди.

«Меҳр билан муруватнинг фарқи нимада?» сўрайдиган касби врач, аммо файласуфликни даъво қиладиган дўстим. «Иккаласи бир нарса-ку» дейман ўйламай туриб. «Бекор айтибсан, меҳр билан муруват бошқа-бошқа нарса» дейди. «Икковиям жуда кенг тушунча, барибир фарқини айтиб беролмайсан» дейман атайин ундан фикр «ўғирлаш» учун. «Фрейдни ўқигансан-а, у айтидики...», «Сен ўтлаб кетаясан, бу умуман бошқа масала» дейман гапини бўлиб. «Менам шунга айтмоқчийдим», — бўш келмай давом этади дўстим, — «Майли, бошқача тушунтираман. Масалан, ота-онанга, жиғарларинга, умуман ҳаммага яхшилик қилишинг мумкин. Бу — меҳр. Лекин сендан ожиз бўлган, сенинг ва бошқаларнинг ёрдамига муҳтож бўлганларга яхшилик қилсанг, бу энди муруват бўлади. «Ҳаммада ҳам меҳр бор, лекин муруват йўқ, шундай демокчмисан?». «Гапини охиригача эшитти-да одам деган, — ранжигандай давом этади у, — хуллас, меҳрини ҳамма ҳаммага кўрсатиши мумкин. Муруват бўлса фақат олижаноб одамларнинг қўлидан келади». «Ўзинга тўқ олижанобларнинг десанг-чи», «Ўзингга ўхшамаясан...». Ноқулай жимлик.

«Менимча, одамларга меҳр кўрсатиш муруват кўрсатишдан ҳам қийинроқ». «Энди ўзингга келдинг, жўра...».

садақа сўраб турган қариянинг олдидан ўта туриб ўзини заррача айбдор ҳис этмаса, ногиронлар аравачасидаги тенгхурини кўрганида оёқларида оғриқ ҳис қилмаса, ажабланманг. Унинг отаси ҳам инидан тушиб кетган полапоннинг ночор аҳолини бемалола томоша қила олар эди. Фарзанди ҳам ҳали кўзи очилмаган кучукчани эринмай савалаш, ҳовузчага буктириши мумкин. Мабодо вақти келиб қаровсиз болалар ёки қариялар уйига кўмак бергиси келиб қолса ҳам энг аввал бу ишини видеотасвирига олдиришни ўйлайди. Яхшиямки, яхшилар кўп бу дунёда. Риё нима деган гап муруватнинг олдида?!

Киши бировга қанча меҳр-муруват кўрсатмасин, ҳеч нарса йўқотмайди. Меҳр нима ўзи, бир оғиз ширин сўз, муруват-чи, биргина далда. Баъзан шуниям қизганамиз, бировга раво кўрмагандай бўламиз.

Аммо бу ер шундай жой: ҳеч ким ҳеч кимнинг асабига тегмайди, ёшини ҳам макъейини ҳам пеш қилмайди. Ҳамдардлар бири-бириндан ширин сўзини, яъни меҳрини қизганмайди. Юраклар авайланади.

— Шошаётганга ўхшайсан-а, болам, ҳозир менинг навбатим, сен қирақол,— дейди кардиолог эшиги олдидан навбатда турган онахон. — Мен пенсионер бўлсам, қайғаман шовардим, Яратганинг даргоҳига шошмасам агар.

— Йўғ-э, навбатим келса келарман,— рус онахоннинг соф ўзбекча лутфи, кўзларидаги меҳр мумдэй эрилади.

— Ёшгина бошинг билан шу дардга чалиниб улгурибсан-да, ҳаҳ ёшлар, ёшлар. Лекин сен хафа бўлма, ҳали кўрмагандай бўлиб кетасан. Бўлар-бўлмагаси сиқилаверма, барибир ҳеч нарсани ўзгартирилмайсан-ку. Одамга энг кераги соғлиқ, ҳали ҳаётинг олдидна.

— Ўзбекча яхши гапирар экансиз.

— Олтмиш йилдан ошди шу ерда яшаётганимга. Уруш даврида келиб қолганман подмосковдан. Ўзбекистонга эвакуация қилинганимизда кичкина қизалоқ эдим. Қаттиқ ҳаяжонланган эканман чоғи, йўлдаёқ ўлагайча чиқаришибди, Тошкентга етган ўзимга келибман. Ўшанда орттирган бўлсам керак-да бу дардди, қара, ҳалиям яшаб юрибман. Мени бу юртнинг қуёши билан одамларнинг меҳри асраб қолган бўлса керак. У пайтларда одамлар бугунгидан кўра меҳрибонроқ эдиёв.

— Меҳр-оқибат қамайиб кетаяпти, ҳар қалай катталар шунақа дейишди...

— Ўзбекистон болалари бемехр бўлишини тасаввур қилолмайман. Эсингдан чикарма, оққан дарё оқаверади барибир.

Мамлакатимизда 2004 йилнинг «Меҳр ва муруват йили» деб эълон қилиниши муносабати билан шу йилнинг 27 январида Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳр ва муруват йили дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Жамиятимизда аҳиллик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, миллатлараро дўстлик ва ҳамжihatлик муҳитини мустаҳкамлаш, юртдошларимиз, онги ва тафаккурида юксак инсоний фазилатларни камол топтириш, аҳолининг ижтимоий маҳофазасини қучайтириш, давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш ушбу қарорда ўз ифодасини топган.

Сурхондарё вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳам бу борада алоҳида тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, шунга мувофиқ иш олиб борилмоқда. Жумладан, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамда унга қарашли «Муруват» уйлари, вилоят халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида юқоридаги масалалар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга кўрсатилаётган ёрдамлар юзасидан текширишлар ўтказилди. Мазкур йўналишда муайян ишлар амалга оширилиши билан бир қаторда жиддий қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги ҳам маълум бўлди.

Хусусан, Халқ таълими вазирлиги қарашли вилоят «Ўқув-таълимтаъминот» қорхонасидаги масъул шахслар жинсий тил бириктириб, ўқувчиларга бепул тарқатилган дарсликлар, кийим-кечак ва ўқув жиҳозларини нақд пулга соттириш йўли билан 80 миллион 41 миң 393 сўмлик товарларни ўзлаштириб юборганлар. Мазкур ҳолат юзасидан вилоят прокуратураси томонидан «Ўқувтаълимтаъминот» қорхонаси бошлиғи вазиофасида ишлаб келган Н.Ёқубов, омбор мудирлари Х.Эшмуродов ва З.Саъдиевларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Текширилшардан маълум бўлдики, вилоятда пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш борасидаги ишлар ҳам қониқарсиз аҳолда. 2003 йилнинг ноябрь ва декабрь ойлари учун пенсия ва нафақалар кечиктириб тўланишига йўл қўйилган. Жорий йилнинг январь ойи учун 3 млрд. 17 млн. сўм маблаг молиялаштирилган бўлса-да, айрим туманларда пенсия тўлови умуман амалга оширилмаган.

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА КЕНГ ЙЎЛ

Бундай салбий ҳолатнинг келиб чиқишига пенсия тўлови учун молиялаштирилган маблагнинг банқлар томонидан нақд пул билан таъминланмаётгани асосий сабаб бўлмоқда. Жумладан, «Пахта банк»нинг вилоят бўлими томонидан 2 млрд. 547 млн. сўм миқдордаги молиялаштирилган маблаг нақд пул билан таъминланмаган. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг Термиз бўлими бўйича ушбу сума 239 млн. сўмни, «Алоқа-банк»нинг Сурхондарё филиали бўйича 173 млн. сўмни ташкил қилган.

Туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузурдаги пул-кредит комиссияларининг масъул шахслари томонидан ҳам ушбу масалада ишлар лозим даражада ташкил этилмаган. Пул муомаласини яхшишлаш, биринчи даражали тўловлар сирасига мансуб пенсия, нафақа, моддий ёрдам пуллари тўланишини ойма-ой таъминлаб бориш мақсадида номгагина тадбирлар ўтказилган, нақд пул тушуми бўйича белгиланган мезъёрларни бажармаган мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чора кўрилмаган. Натижада нақд пул тушуми бўйича белгиланган кўрсаткичлар бажарилмасдан қолган.

Вилоят прокуратураси органларининг бевосита аравашуви билан жорий йилнинг феврал ойида 2003 йилнинг декабрь ойида қолдик бўлиб қолган 1 млрд. 392 млн. 800 миң сўм миқдордаги пенсия пулларининг тўлиқ тўлаб берилишига эришилди.

Аниқланишча, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни аниқлаш кучайтириш тўғрисида»ги қарорини бажаришда қонунбузилиш ҳолатлари учрамоқда. Жумладан, Бойсун туманидаги «Мунчок» маҳалла фуқаролар йиғини котиби А.Абдурашидов томонидан фуқаро О.Раҳмонқулованинг вафот этган фарзанди таъминоти учун етти ой мобайнида 47 миң 615 сўм нафақа ҳисобланиб, тўлов ведомостларида фуқаро О.Раҳмонқулова номида А.Абдурашидовнинг ўзи имзо қўйиб, пуллари талон-тарож қилган. Мазкур ҳолат бўйича туман прокурори томонидан А.Абдурашидовга нисбатан интизомий жаовбарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, етказилган 47 миң 615 сўм моддий зарар давлат фойдасига ундирилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтказилган текширишлар натижада кўра қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имкон бераётган шароитни бартараф этиш тўғрисида тегишли прокурорлик таъсир чоралари қўлланилди. Етказилган 291 миң 802 сўм зарар ихтиёрий равишда ундирилди, 171 миң 360 сўмлик зарарни ундириш юзасидан судга 3 та даъво аризаси киритилди.

2004 йилнинг «Меҳр ва муруват йили» деб номланиши миллий кадриятларимизга янги раҳ ва мазмун, қанот бахш этди. Бундай эзгу мақсадларга тўғриқў бўлаётган ҳар қандай қонунбузилишларига барҳам бериш, уларнинг олдини олиш мавсуфини иш бўлмай, балки илчиллик, қатъиятчи талаб этади. Зеро, мамлакатимизда меҳр ва муруватга тараққиётимизнинг муҳим омилли сифатида қаралмоқда.

Фахриддин БОЙЗАҚОВ, Сурхондарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари

Агар галстук таққан анави йигитча катта йўл бўйида

Шавакк ЁДГОРОВ, «Нидиқ» муҳбири

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ЭЪТИБОР



Маълумки, қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан биридир. Уни янада ривожлантириш, соҳада чуқур ислохотлар ўтказиш, деҳқон ва фермерлар манфаатини ҳимоя қилиш, республикамиз аҳолисининг фаровонлигини юксалтиришга ҳизмат қилади.

Аграр ва иқтисодий муносабат-

ДЕҲҚОНГА МАДАД КЕРАК

ларни ислоҳ қилишга қаратилган қонунлар ҳамда меъёрий ҳужжатларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидадир.

Бугунги кунда Навоий вилоятида 4205 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда, уларда 19 мингдан зиёд киши меҳнат қилаяпти. Ҳозирги вақтда вилоятимизда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 15 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Етиштирилаётган жами галла ва пахта ҳосилининг 50 фоизи фермерлар меҳнатининг маҳсулидир.

Фермер дегани, юртбошимиз таъбири билан айтганда, аввало универсал вакилликка эга бўлган инсон. У бир вақтнинг ўзида ҳам деҳқон, ҳам агроном, ҳам чорвадор, керак бўлса, механизатор ва механиклик ҳам қилади, табелчи ва иқтисодчи, банкир ва бухгалтер ва таъминотчи вазифаларини ҳам бажаради. Шу билан бирга, у ўз маҳсулотини сотиш масалалари билан шугулланиши лозим. Шу сабабли фермер бўлишни истайдиган одамлар ўртасида танлов ўтказиш, уларга ер ажратишда, янги фермер хўжаликларини рўйхатга олишда бу шунинг ҳамма томонларини ҳисобга олиб ўта масъулият билан ёндошиш керак. Президентимиз томонидан қўйилган ушбу вазифаларга лоқайдлик билан ёндошиш қонунбузарликларни келтириб чиқармоқда.

Масалан, Навбахор туманидаги «Шунқор» фермер хўжалиги жорий йил ҳосили учун пахта экилиши режалаштирилган майдоннинг 0,42 гектарига, «Лазер» фермер хўжалиги эса режалаштирилган пахта еридан 1,04 гектарига пивз ва картошка, «Тургун Жўра» фермер хўжалиги пахта майдонининг 0,99 гектарига пивз эканилиги аниқланди.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида агротехника тадбирларининг ўз вақтида ўтказилиши ҳосилнинг деярли 80 фоизи тайёрланди демекдир. Назорат тадбирлари давомида жойлардаги ҳокимликлар, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари томонидан қишлоқ хўжалик ишларининг бориши юзасидан назоратнинг су-сайтириги юборилганлиги натижа-сида, 2004 йил пахта ҳосили учун тайёрланиши лозим бўлган ер майдонлари ҳозирги кунга қадар шуд-

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг оғишмай ижро этилишини таъминлаш бугунги кунда прокуратура органлари олдига турган муҳим вазифалардандир.

Ўзбекистон Президентининг 2004 йил 11 мартдаги «Қишлоқхўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида асосан прокуратуралар тузилмаларида қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимлари ташкил этилди. Ушбу саҳифамиз давлатимиз раҳбарининг юқоридаги фармонидан келиб чиққан ҳолда прокуратура органлари томонидан жойларда қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларга бағишланади.

горланмаганлиги аниқланди.

Жумладан, Кармана туманидаги «Кенжа бобо» фермер хўжалиги 13 гектар, «Ҳазора» фермер хўжалиги 12 гектар, «Малик-қўл бургути» фермер хўжалиги 6,6 гектар, Навбахор туманидаги «Янгиқўрғон» ширкат хўжалиги 9 гектар, Қизилтепа туманидаги «Зарметан» ширкат хўжалиги 12 гектар, «Давлат-2000», «Фармон Мурод» ва «Йўлдош ота» фермер хўжаликлари эса 4 гектар ер шудгор қилмаганлар.

Айрим қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан галла экиладиган майдонларга галла эмаслик, ерлардан самарасиз ва хўжасизларча фойдаланиш ҳолатларига йўл қўйилган.

Жумладан, Хатирчи туманидаги Ибн Сино номли ширкат хўжалиги 5-бригадасининг жами 8,7 гектар майдонга экилган пахталари ширкат хўжалиги мансабдорлари томонидан 2003 йилнинг июль ойида ноқонуний равишда бузиб ташланиб, хўжалик манфаатларига 1 млн. 40 минг сўмлик зарар етказилган. Ширкат хўжалигининг 23,8 гектар сугориладиган экин ерлари эса қонунга зид тарзда фуқароларга ва бошқа ташкилотларга бўлиб берилган. Ортиқча экин майдонларига режалаштирилмаган экинлар экилишига йўл қўйилиб, ширкат хўжалигига 2 млн. 276 минг сўмлик, жами 3 млн. 316 минг сўм миқдорда зарар етказилган. Туман прокуратура томонидан Ибн Сино ширкат хўжалигининг мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, айб-лов ҳулосаси билан судга юборилган.

Қишлоқ хўжалигини минерал ўғит ва кимёвий воситалар билан таъминлашда ҳам бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Таъминотчилар шартномаларда кўрсатилган миқдорда хўжаликларга минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материалларини ўз вақтида етказиб бермаётганлиги тўғрисида аниқ фактларни истоганча келтириш мумкин.

«Навоийқишлоқхўжаликкимё» акционерлик бирлашмаси ва унинг тизимидagi корхоналар томонидан 2004 йил галла ҳосили учун азот етказиб бериш режаси 96 фоизга, фосфор 62 фоизга бажарилиб, қалий ўғити умуман етказиб берилмаган. Тизимнинг айрим мансабдор шахслари ўз вазифаларини суиистемол қилиб, бюджет маблағларини талон-тарож қилганлар. Жумладан, «Биолаборотория» кор-

хонасининг мансабдор шахслари томонидан ўтган йил мобайнида чигирткага қарши кураш учун олинган 323 миң 700 сўмлик бензин ўлаштириб юборилганлиги аниқланиб, вилоят прокуратураси томонидан ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Навахор туманидаги «Навахор юлдузи» фермер хўжалиги раиси Р.Қурбоновнинг пахта етиштириш учун 2 млн. сўм кредит ажратиш ҳақидаги аризаси Республика ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Навоий вилоят бўлими томонидан асосиз равишда рад қилинган. Вилоят прокуратурасининг аралашувидан кейин фермер хўжалигига кредит ажратилиб, банкнинг айбдор ходимларига нисбатан тегишли чора қўрилди.

Юқоридагилардан ҳулоса шуки, аграр соҳани ривожлантириш, мамлакатимиз тараққиётини юксалтириш демекдир. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, деҳқонга мадад бериш, уни қўллаб-қувватлаш соҳага алоқадор ҳар бир ташкилот, ҳар бир раҳбарнинг доимий фаолиятига айланмоғи лозим. Шундагина аграр соҳа барқарор ривожландади, турмушимиз фаровон бўлади.

Бахтиёр ШОМИРЗАЕВ,
Навоий вилоят прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси

Ерга хиёнат — элга хиёнат

Деҳқон эрта баҳордан ишга киришиб, эл-юрт учун ризқ-рўз яратаяди. Тондан шомга қадар тер тўкиб меҳнат қилади. Бироқ ҳамма ҳам ҳалол меҳнати билан мўл ҳосил етиштиришининг уддасидан чиқавормайди.

Маълумки, кузда шудгорланмаган ерда мўл ҳосил етиштириб бўлмайди. Лекин Наманган вилоятининг қишлоқ хўжалик соҳаси мутасаддилари мана шу ҳақиқатни била туриб, амал қилишмапта. Биргина Чуст туманининг ўзида 823 гектар пахта экиладиган ер шу кунгача шудгорланмаганини қандай изоҳлаш мумкин? Бундан ташқари, туманда экин майдонларидан фойдаланиш борасидаги қонун талаблари ҳам бузилмоқда. Жумладан, 2004 йил ҳосили учун 10.541 гектар ерга галла экилиши лозим бўлган ҳолда, 10.849 гектарга ёки режада белгиланганидан 308 гектар кўп экилган.

Тумандаги «Сабззор», «Зарафон», «Ўзбекистон» каби ширкат хўжаликларида ҳам ердан фойдаланиш борасида турли қўзуявмачликларга йўл қўйилмоқда. Бир неча гектар ерга умуман режалаштирилмаган по-

Агар виждон бозорда сотилганида эди, эҳтимол, энг арзон «матохга» айланган бўларди. Сабаби, ўзини виждонли деб ҳисобловчилар унга муҳтож бўлмаганидек, биз виждонсиз деб ҳисобловчилар ҳам уни бир мирига олмасликлари тайин. Виждон қиёссиз бебаҳо бир туйғу бўлгани боис, юқоридаги фикрларимиз бир оз қўполроқ туюлиши мумкин. Лекин орамизда ўз виждонини молу-хавасга алмашайётганлар, таъбир жоиз бўлса, уни «пуллаётганлар» ҳам йўқ эмас.

БИР ТОННА ВИЖДОННИНГ НАРХИ

Жиноят ишлари бўйича Жиззах туман судининг 2003 йил 6 октябрда Ж.Турғунбоев раислигида ўтган суд ҳукмидан кўчирма: «Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб суд ҳайати ҳукм қилади.

Ҳукм: Мамедов Искандар Тошпўлатович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми «а,в» бандлари, 171-моддаси 2-қисми «б» банди, 228-моддаси 2-қисми «б» банди билан, Ўсаров Довуд ва Қаюмов Абдумажидлар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми «а,в» бандлари ҳамда 228-моддаси 2-қисми билан, Бердиёров Умнат, Қаюмов Содиржон ва Нурматов Тожибой Низомовичлар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми «а,в» бандлари билан айбдор деб топилсин».

Суд ҳукмидан кўриниб турибдики, хийлагина катта жинойий гуруҳ фаолияти фож этилган. Хўш, улар қандай қонунбузарлик содир этганлар. Ҳеч жойда ишламайдиган И.Мамедов 2003 йил 26 июн куни эрталаб Дўстлик тумани «Қишлоқхўжаликкимё» таъминот базасига давлат мулкани талон-тарож қилиш мақсадида келади. База оғибор мудир Д. Ўсаров, шу корхонанинг бўлим мутахассиси А.Қаюмовлар билан тезда «тил топишади». Албатта, бехудага эмас, сиздан угуна — биздан бугина қабилида савдо пишади.

Жинойий гуруҳ қилмишини хаспўшлаш учун «Темир қадам» фермер хўжалиги раиси М.Холбўтаев томонидан 2003 йил 11 июн кунини тақдим этилган 28-июнчон қозоғига асосан сохта ҳужжатлар тўлдиривади. А.Қаюмов 2-2737-юк хатига фермер хўжалиги раиси номидан ўз имзосини қўйиб юборади. Юк хатига кўрсатилган 2000 кг. ўрнига юкланган 7000 кг. аммиакли селитра барча «назорат этувчиларни четлаб» база худудидан чиқиб кетади. Ҳаммасидан ачинарлиси, салкам ярим миллион сўмлик қимматбаҳо ашё И. Мамедовга бор йўғи 130 миң сўмга сотиб юборилади. И.Мамедов «катта ўйиннинг» дебончасини шу тахлит бошлайди.

У 2003 йил 28 июль кунини «Баҳоқдор» исми «КамАЗ» автомашинаси хайдовчисидан 3800 кг. аммиакли селитрани 142 миң сўмга сотиб олади. Орадан тўрт кун ўтган, яна саховатли акаҳони Д.Ўсаров билан келишган ҳолда, минерал ўғитлар оғиборидан умумий суммаси 397.730 сўмлик 3900 кг. карбонид минерал ўғитини 80 миң сўмга сотиб олади. Ушбу ўғитни база худудидан хотиржам олиб чиқиб кетиши учун И.Мамедовга «Хурлик ола» фермер хўжалигига берилган 2-2992-юк хати асқотади.

2003 йил 2 июль кунини жинойий гуруҳ аъзолари И.Мамедов, С.Қаюмов, Т.Нурматов ва У.Бердиёровлар ўзаро «савдо-сотик» асосида «бирлашадилар», яъни С.Қаюмов билан У.Бердиёровлар йиғиб қўйилган минерал ўғитга харидор бўладилар. Шундай қилиб, салкам 11 тонна қимматбаҳо минерал хомашё харидорларга 870 миң 800 сўмга сотиб юборилди. Ушбу юк ортилган Т.Нурматов бошқарувидаги «КамАЗ» автомашинаси кечга яқин йўлга чиқади. Автомашина Жиззах тумани У.Ҳотамов жамоа хўжалиги худудига келиб, тонг отанлиги сабабли пана жойда — «Янгиобод» қишлоғида тўхтабди. 2003 йил 4 июль кунини соат бирларда «КамАЗ» яна йўлга чиқади. Автомашина Самарқанд вилояти Булғунгур тумани томон ҳаракатланаётганда тезкор ходимлар томонидан қўлга олинади...

Салкам ўн беш тонна минерал ўғит жинойий гуруҳ томонидан шу тахлит талон-тарож қилинади. Шунча миқдордаги ўғит билан ўттиз, қирқ гектар ердаги экин озқилантирилади, бу ердан чиққан ризқ эса минглаб кишиларнинг қозонига барака киритиши мумкинлиги ҳеч кимга сир эмас. Юзлаб, минглаб одамларнинг ризқини қийиб, уни ҳеч иккиланмай пуллаётганларнинг виждони ҳақида мақола бошида келтирилган ўхшатиши қайтариб ўтишининг эса ҳожати бўлмаса керак.

Фарҳод ҚУЛМАТОВ,
Жиззах туман прокурори

лиз экинлари экилган. Шунингдек, деярли барча ширкат хўжаликларида 10 гектардан 90 гектаргача бўлган ерларга режадан ортиқча галла экилган.

Бундан ташқари, тумандаги фермер хўжаликлари ихтиёридаги ерларнинг 20,2 гектарига пивз, 6 гектарига картошка ўзбошимчилик билан экиб юборилган. Шунингдек, улар ихтиёридаги 461 гектар ер бўш қолиб кетган ва унинг 34 гектари хатто шудгорланмай ўз холига ташлаб қўйилган.

Бундай мисолларни деярли барча туманлардан келтириш мумкин. Текшириш якунига кўра, вилоят прокуратураси томонидан барча туман прокурорларига қонунбузарликларни зудлик билан бартараф этиш юзасидан тегишли чоралар қўриш юклатилди.

Раҳимжон УМАРОВ,
Наманган вилоят прокуратураси
фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамят ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи.
Абдуҳомид МАДАТОВ,
«Ниқоқ» муҳбири

ДЕТЕКТИВ НИКОҲА

«Дельфин» спорт клуби Нью-Йоркдаги энг машхур клублардан бирига айланди. Унга аъзо бўлишни истаганларнинг оилаб навбат кутушига тўғри келарди.

Утган йилнинг 17 январида кечки пайт клубда одам жуда кўп эди. Янги йил байрамидан сўнг кўпчилик янгича ҳаёт бошлаш ниятида клубга аъзо бўлиб, машгулотларга берилиб кетишганди. Залда мусиқа ва спорт анжомларининг шовқини эшитиларди. Эраклар тош кўтариш, аёллар аэробика билан машгул. Соат 21 ларга яқин машиналар тўхташ жойидан эшитилган варангланган товушга ҳеч ким эътибор бермади.

«Дельфин» клубининг эгаларидан бири, 32 ёшли Алекс Алжерининг жасадини машгулотга кечроқ келган микоз кўриб қолди.

Қора сочили, бўй-баста келишган киши «Юкон» маркали машинаси ёнида, қор устида қонга беланганча ётарди. Алжери клубдан чиқиб машинаси олдига келганида ўққа тутилган.

Патологоанатомлар мурдадан тўртта ўқ топишди. Ўқлар унинг орқасидан кириб, икитаси юракка теккан ва Алжери ўша захотиёқ жон берган.

Ушбу ҳолат қотилларнинг ёнланма эканлигидан далолат берарди. Бироқ ҳеч ким Алекснинг ўлими кимга керак эканлигини тушуна олмади. У барча билан хушмуомала эди. Душманлари ҳам бўлмаган. Алекс буйдоқ бўлиб, сўнгги йилларда клубда танишган бир қиз билан учрашиб юрарди.

Тергов ходимларида клубнинг иккинчи эгаси, Алекснинг яқин дўсти, 35 ёшли Пол Риделни шубҳа остига олишга ҳеч қандай асос йўқ эди. Уларнинг орасида ҳеч қачон жанжал ҳам бўлмаганди. Алекс Полнинг тўйида куёвжўраллик қилганди. Устига устак, қотиллик юз берган кунни Пол клубга келмаган эди. Шамоллаб қолгани сабабли кунни билан уйда бўлган.

Жиноятчи доимо эди қолдиради ва бу изни топиш зийрак терговчиларнинг иши. Тергов ходимлари қордаги изларни ўрганиб чиқиб, қотиллар қаердан туриб ўқ узганларини аниқлашди. Тахминларга қараганда улар икки киши бўлишган. Машиналарининг ичидан ўқ узиб, тезда қочиб қолишган. Қорда сақланиб қолган

ғилдиракларнинг изидан қотиллар «Форд» маркали автомобилда қаниб бўлди. Айнан шу «Форд»ни кўп миллионли Нью-Йорк аҳолиси орасидан топиш қийин. Бироқ тергов ходимларига омад кулиб боқди.

Шу атрофда истиқомат қилувчи Питер Корнуэлл ўша кун соат 21 ларга яқин «Дельфин» клуби ёнидан ўтиб кета туриб машиналар тўхташ жойидан катта тезликда чиқаётган «Форд» билан тўқнашиб кетишига оз қолганди. Питер машинанинг рақамини эслаб қолмаган, албатта. Лекин у «Форд»нинг қизил рангли «Скорпио» русуми эканлигини ва унинг ичида икки киши ўтирганлигини айтди.

Корнуэлл жуда зийрак инсон бўлиб, машинадагилар «Дельфин» клубининг аъзоси ва маҳаллий кишилар эмаслигини ҳам сезган эди. Бундай тахминга асос шуки, биринчидан, машинадагилар тўхташ жойидан чиқишда қулайроқ йўлдан эмас, балки қийинроқдан фойдаланганлар, иккинчидан, қизил «Форд» катта йўлга чиққанидан сўнг шаҳарга олиб чиқадиган йўл ўрнига берк кўчага қараб кетганди.

Бу маълумотлар қидирув доирасининг анча қисқаришига сабаб бўлди. Энди тергов ходимлари қотиллар келгинди эканлиги ва улар келган машина ижарага олинган қизил «Форд»лигини билдилар.


Нью-Йоркдаги машина ижараси билан шуғулланувчи агентлик-

кетишлари керак эди. Яқиндагина Майамидан учиб келган Жон Уиллис ва Пол Карпентер бир кун ҳам ўтмай ортларига қайтиб кетдилар. Бундай шовишлишга сабаб нима?

Детективлар гумонланувчилар кетидан Флоридага етиб боришлари билан қутилганидай Уиллис ва Карпентер меҳмонларнинг уйдирма исми эканлигини аниқладилар. Бу ҳолни аниқлашга Уиллисининг хатоси сабаб бўлди. У аэропортдан чипта сотиб олаётган пайтида кредит қарточкасида фойдаланганди.

Уиллис номи билан беркинаётган шахс Бойнтон-Бич шаҳарчасида истиқомат қилувчи 35 ёшли Ральф Сальерно эди. Унинг ҳамроҳи ўша шаҳарчада яшовчи Скотт Паже бўлиб қикди. Ёшлиқдан бирга катта бўлган икки дўст машина устачилиги билан шуғулланишарди. 17 ва 18 январь кунлари улар шимол тарафга бориб келишларини айтиб раҳбарларидан рухсат олгандилар.

Оғайиларнинг иккиси ҳам буйдоқ эди. Бироқ Ральф бир йилдан кўпроқ вақтдан бери бир аёл билан учрашиб юрарди. Бу давр ичида улар ўғилли ҳам бўлганди. Детективларнинг Сальерно ва Паже қотил эканлиги ҳақидаги гумонлари аёлнинг исми аниқлангандан кейин янада қатъийлашди. Аёл 35 ёшли Ли-Энн Ридель, яъни «Дельфин» клубининг эгаларидан бири Пол Риделнинг рафиқаси эди. Айнан шуларнинг тўйида Алекс Алжери



ЖАВҲАРИ ҲАВШАШЛИК

ларда қизил «Форд»лар юзлаб эди. Бироқ агентликларнинг ҳаммаси ҳам 17 январь кунги кечаси ишламаган. Суриштирувлардан сўнг тергов ходимларининг эътибори Майамидан учиб келган Жон Уиллисга тўхтади. «Ла Гуардия» аэропортидаги машина ижараси агентлигининг ходими қизил «Форд»ни қайтараётган микоз хавотирланаётганини ва унинг ҳамроҳи борлигини эслаб қолганди.

Бу кўрсатмалар полициянинг тахминларига мос келаётганди. Қотилликни амалга оширган шахслар Нью-Йоркдан тезда учиб

куёвжўраллик қилганди.

Пол ва Ли-Энн 1998 йилда клубда танишиб бир йил ўтгандан сўнг турмуш қуришганди. Аввалига оилавий шароит яхши эди. Улар ўғилли бўлдилар. Бироқ эр-хотин ўртасидаги жанжаллар одат тусига айлиниб борди. Охири улар ажралишга қарор қилдилар.

Ажралиш жараёни силлиқ ўтди. Мулкни бўлиш борасида ҳам келишмовчиликлар бўлмади. Барча муаммо ўғилга ота-оналик ҳуқуқи борасида бошланди. Ли-Энн собик эрининг бир яшар ўғли Майклин кўришига қаршилик кўрсатиб, ажрашганларидан сўнг бола билан онасиникига, яъни Бойнтон-Бич шаҳарчасига кўчиб кетди. У ерда Ральф билан танишди.

Пол Ридель Ли-Эннинг ўғли билан Нью-Йоркка қайтишини, агар Флоридадан қайтишни хоҳламаса ўғилни унга топширишини талаб қилиб судга мурожаат этди.

Узоқ давом этган тортишувлардан сўнг суд оталик ҳуқуқини инobatта олган ҳолда Ли-Энн Нью-Йоркка қайтиб келиши лозим деган хулосага келди.

Тергов ходимларининг тахминига кўра, Ли-Энн Нью-Йоркка қайтиб келиши ва ўғилни отасига топширишни хоҳламагани туфайли қидирган. Бу ишда ёрдам сўраб севгилиси Ральф Сальернога мурожаат қилган. Ральф эса ишининг хавфлилигини билиб, дўстини ёрдамга чақирган.

Бироқ нега улар айнан Пол Риделни эмас, унинг ҳамкасбини ўлдиришди? Бу саволга жавоб бериш қийин эмас.

Ғал шундаки, Алекс Алжери ва Пол Ридель бир-бирларига шунчалик ўхшардиларки, кўпчилик уларни ака-ука деб ўйларди.

Бироқ нега улар айнан Пол Риделни эмас, унинг ҳамкасбини ўлдириб қўйишганди. Қотиллар хатоларини Флоридага қайтиб келганларидан кейингина

билишгани аниқ.

Шу таразда ишлаб чиқилаётган тахминлар етарли даражада ишонарли бўлса-да, лекин қотилликни исботловчи далиллар ҳали етарли эмасди.

Ральф ва Сальерно кетидан кузатув ўрнатилди. Улар ўзларини жуда табиий ва гумон туғдирмайдиган таразда тутишарди.

Маҳаллий прокурор детективларнинг мурожаатини узоқ ўрганиб чиқиб, охири уларни ҳибсга олиш тўғрисида ордер берди. Бироқ Ральф ва Паже айбларини инкор этиб тураверишди. Улар бераётган кўрсатмалари билан тергов ходимларини чалғитишга ҳаракат қилдилар. Аввалига Нью-Йоркка эмас, Филадельфияга учганларини айтишди. Кейин Филадельфияни Бостонга алмаштирдилар.

Полиция Сальерно ва Паженинг 17-18 январда улар айтаётган шаҳарларда бўлмаганлиги ва Нью-Йорк аэропортидаги ходим уларнинг расмини таниганлигини айтганларидан сўнг гумонланувчилар ҳақиқатан ҳам бир кунга Нью-Йоркка борганларини тан олишди.

Лекин Алжерининг ўлимида улар айбдор эканликларини судда исботлаш учун бу кўрсатмалар етарли эмасди.

Шунда мохир тергов ходимлари айёр усулни қўлладилар. Улар Сальерно ва Пажега сўроқ туғганини ва қотиллик содир бўлган тунда уларнинг машинаси билан тўқнашиб кетай деган ҳайдовчи уларни суратидан таниганини, ҳатто машинанинг рақамини эслаб қолганини, сўроқлар эса қотилларнинг чин дилдан айбига иқрор бўлишига имкон бериш ва шунга асосан жазони энгилроғи билан алмаштириш учун қилинганини айтдилар.

Гумонланувчилар ўша кунги руй берай деган тўқнашувни ёддан чиқармагандилар ва албатта гувоҳ ҳайдовчи машина рақамини ёзиб олганига ишондилар.

Биринчи бўлиб тузоққа Скотт Паже тушиб, воқеани бошидан охиригача айтиб берди. Унга дўсти Ральф мурожаат қилганди. Ральф

севгилиси Ли-Энн муаммога дуч келгани ва бунга унинг собиқ эри айбдор эканлигини, агар Пол йўқ қилинмаса Ли-Эннинг Нью-Йоркка қайтиб кетишига тўғри келишини айтган. Ральф эса бунга йўл қўя олмаслиги сабабли Полни ўлдириш керак, деган қарорга келганди. Лекин Ральф илгари бундай «ишга» қўл урмаганлиги туфайли дўстини ёрдамга чақириб эвазига уч минг доллар ваъда қилган.


Нью-Йоркда «иш» тергов ходимлари тахмин қилганидек давом этганди. Қотиллар Амивилга келиб, спорт клубини топишди ва қора рангли «Жип» ёнида нишон, яъни Риделни қутушди. Жиноятчилар Риделни фақат сурат орқали билардилар. Ли-Энн суратни бера туриб Полнинг худди унга ўхшайдиган дўсти борлигини ва унинг машинаси ҳам қора «Жип» эканлигини айтишни унутганди. Шундай қилиб, йигитлар тунда Алекс Алжерини адашиб отиб қўйишганди.

Ральф Сальерно узоқ вақт Алжерининг ўлимига алоқадор эканлигини рад этди. Бироқ Паженинг айбига иқрор бўлганини эшитганидан сўнг ўжарлиқдан фойда йўқлигини англади. Барча қилмишларига иқрор бўлди, лекин Ли-Эннинг қотилликда айби йўқлигини, у бундан беҳабар эканлигини таъкидлай бошлади. Сальернонинг сўзларига қараганда, у севгилисини йўқотишни истамагани сабабли бахти йўлида тўғанок бўлиб турган Полни ўлдиришга аҳд қилган. Бу кўрсатмалар бефойда эди. Скотт Паже айтиб берган гаплар Ли-Энн Риделни қотилликни ташкиллаштириганида айбала қамоққа олиш учун етарли бўлди.

Жиноий уқлик қонун олдида қилмишларига яраша жазо олдилар.

Пол Риделга омад кулиб боқдимиз ёки Алекс Алжери хавфли ўхшашлик қурбоними? Бу савол ўқувчиларнинг ўзига ҳавола.

Хориз матбуотда Жаҳонгир МАКСУМОВ таржимаси



UCHRASHUV

Машхурликни ким ҳам орзу қилмайди дейсиз? Лекин машхурликнинг замирида серташвиш умр, машаққатли йўл борлигини ҳамма ҳам бирдек тушуна олмайди. Театр сахналарида ўлмас образларни маҳорат билан ижро этиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлган, санъат мухлисларига яхши таниш инсон Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Файбулла Ҳожиёв билан суҳбат-лашганимда бу ҳақиқатга яна бир бор амин бўлдим.

— Асли бухороликман. Оила-мизда шеърятга, адабиётга қизиқиш катта эди. Бобом замонасининг билимдонларидан бўлган. У кишининг ташаббуси билан уйимизда ўша даврнинг шоир уюмлари тўпланишар, шеърхонлик кечалари бўлиб турарди. Адабиётга, санъатга бўлган қизиқишим ана шу кезларда уйғонган. Бу ҳавас мени ҳозирги Маннон Уйғур номидаги санъат институтига етақлади. Актер бўлиб етишишимга биринчи устозим, Бухородаги Садриддин Айний номидаги театрнинг иқтидорли актёрларидан бири Азизжон Маҳмудов сабабчидир. Уқиш давомидида ҳозирги Ўзбек миллий академик драма театрида умумий сахналарда қатнашиб юрдим. Бу мен учун катта тажриба мактабини ўтади. Чунки мен ўлмас сиймолар — Олим Хўжаев, Наби Раҳимов, Сора Эшонтураева, Саъдихон Табибуллаев, ҳозирда ёшларга устозлик қилиб келаётган Зикри Муҳаммад-жонов, Рихси Иброҳимова каби моҳир устозларнинг сояларига театр санъати сирларини ўргандим.

— **Файбулла ака, илк бор бош қахрамон ролини ижро этганингизни эслай оласизми?**

— Албатта, бу кун мен учун жуда қадрли бўлиб қолган. 1987 йилдан бошлаб театрда актёр сифатида иш бошладим. Бу кунни ҳаётимда сахна мени қабул қилган кун деб биламан. Илк ролим Мар Байжиёвнинг «Тўй муборак, қари қиз» спектаклидаги бош қахрамон йигит образи бўлган. Шу рол менга муваффақият келтирди. Қайси соҳада бўлмасин, астойдил меҳнат қилинса, албатта самараси кўринаркан. Шекспирнинг «Кориолан» асаридаги Авфидий ролим 1988 йилда «Энг яхши роль» деб эътироф этилди.

1992 йилда режиссёр Карим Йўлдошев сахналаштирган Кристофер Марлонинг «Сохибқирон Темури» асаридаги турк султони Елдириш Боязид ролини ижро этганим учун «яхши актёр» дея таъкидлашди. 1995 йилда Турғун Азизов сахналаштирган А.Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» асаридаги бош қахрамонлардан бири Солиҳ Маҳмуд роли учун «Энг яхши эркак роли» билан мукофотланганман. 1996 йилда Амир Темури юбилейи муносабати билан А.Ориповнинг

«Сохибқирон» шеърий асаридаги Аҳмад Ясавий ролини ижро этганим учун ўзбек сахнасида илк бор азизу авлиёларнинг ролини тўлақонли жонлантирган актёр сифатида тақдирландим. Мен учун унутилмас бўлиб қолган 1997 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлдим.

— **Дубляж соҳасида ҳам фаолият кўрсатаясиз. Томошабинлар асосан сизни «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари» фильмидан яхши танишади.**

— Дубляж актёрдан катта маҳорат талаб этади. Озми-кўпми бир қатор телефильм, бадий фильм ва мультфильмларга овоз бердим. Билмадим, бу томошабинга қанча-



МЕХР РУҲИЯТ ҚУВВАТИ ЭКАН

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Файбулла Ҳожиёв билан суҳбат

лик манзур бўлган. (Бироз сукунатдан сўнг Файбулла ака отир нафас олиб бир йилдан буюн беморлиги, фақат дори-дармон эмас, инсонлардаги меҳр, эътибор сабаб яна ҳаётга, ижода қайтганларини сўзлашни билдирдилар.) — 1996 йилларда қон босимим баландлигини била туриб даволанмай юрардим. Йиллар бирин-кетин ўтиб борарди. Театрда иш қизгин, тинмай ишлаб, образни маромига етказиб очиб беришга ҳаракат қилардим, изланардим. 2003 йилнинг 13 феврални эди ўшанда. Инсон юраги олдиндан бир нарса юз беришини сезади. Қўнғин негидир фаш. Одатим бўйича театрга вақтидан олдин боришни қанда қилмасдим. Кечки 4 ларда тайёрланиб, ҳаяжон билан йўлга чиқдим. Шу пайт кутилмаганда «тарс» этган овозни эшитдим нима бўлаётганини англолмай қолдим. Бу ҳолат

яна такорланди. Вужудимдан қувват йўқолди. Оғриқдан титраб кетаялман. Шунда овозим чиқмаётганлигини сездим. Нима бўлганини билмайман, мени шифохонага олиб боришган. Беморлигимда ҳол сўраб келганларнинг ташрифи руҳлантирар экан. Бу ҳол менга мадад берганини англадим. Эшик очилиб мен учун қадрли бўлган ҳамкасбларим, устозларим кириб келишди. Уларни кўрганимда гўёки бемор эмасман, меҳмон кутаётган мезбонга ўхшаб ўзимда қувват топа олдим. Яқинларимнинг иссиқ меҳрлари билан яна ҳаётга қайтдим.

2003 йилнинг баҳори. Яратганининг қудрати билан тузала бошладим. Атрофда кўклар иси. 45 кун давомидида хонадан кўчага чиқмаганимдан қуёшни, майин эсган баҳор шаббодасини, дов-даратни, табииятни, яшилликни соғингандим. Ва ана шу мўъжизаларни кўришга ошиқардим. Инсон дунёда мўъжизага ишониб яшаши керак деб ўйлайман. Оддий мисоллар, лекин ана шундай оддийлик мени яна ҳаётдан

тўйиб нафас олиб яшашимга сабаб бўлди. Шифокорлар яқинларимга: «беморнинг аҳоли оғир, бизга «Аменизим» дорисини 6 соат ичида топиб келишларингиз керак» дейишди. Бу дори анқонинг уруғи бўлиб, саноқли дорихоналарда сотилар экан. Айтилган манзилга ўлим равона бўлади. Лекин кечикканидан ўша манзилга бораётган транспорт кетиб бўлган бўлади. Энди нима қилишни билмаган бола бекат ёнидаги дорихонага таваккал қилиб қиради. Ўша дори бор экан, уни ҳам бир аёл ортиқчалик қилгани учун дорихонага келтириб берган бўлади. Қарангки, шу ердан транспортга чиқиб кетганида балки ҳозир сиз билан суҳбатлашди ўтирмаган бўларимиди. Шифокорлар биз сизнинг вужудингиздаги дард-ни даволаймиз, лекин руҳингиздаги тушқунликни ўзингиз даволашингизга тўғри келади дейишди. Шинри орқали оёқат юборишди. Ҳатто ютина олмасдим. Бухородан «Чилёсин» ўқитилган муқаддас сув олиб келишган эди. Ўзимда куч топиб ана шу сувни ичдим. Мўъжиза келиб қарангки, томоғим очилиб,

ютина бошладим. Оёқат ея бошладим. Шифокорлар ҳам бунга ишонмади. Барибир тушқунликка тушмадим. Ҳаёт олдинда дея ўлим билан олишардим. Шоирнинг мана бу мисралари доим менга ҳамроҳ бўлди.

**Бошимда қор,
мен баҳордан ўттидим,
Кўклайойим, кўкингдан бер
бир чимдим.
Қор кўйида зўрга сенга
етишдим,
Кўклайойим, кўкингдан бер
бир чимдим.
Яна қайта кўраманми-
йўқми мен,
Кўклайойим, кўкингдан бер
бир чимдим.**

Бу мисралар айнан юрагимдан тўкилган дардга ўхшаб кетарди. Бухорода хар Наврўз байрамидида ҳамин тайёрланади. Биз ёшлигимизда ана шу баҳор таомидан тўйиб-тўйиб еярдик. У инсоннинг илкларини йил бўйи тўқ тутди. Кўклар ҳиди уфуриб турибди. 10 йилдан буюн ҳалим еганим йўқ деб хаёлга чўмиб турган эдим, эшик очилиб Бухородан яқинларим кўлларида ҳалим кўтариб келиб, сизнинг соғайишингиз учун пиширдик, мана тўйиб истеъмол қилинг, албатта соғайиб кетасиз дедилар. Яратганининг қудратига тасаннолар айтдим. Шукроналар қилдим.

Кустонинг ўли авиаҳалокатга учраб оламдан қўли юмади. Шунда

Кусто «... мен дунёдаги бор сувларни тадқиқ қилдим, лекин обидийда сувидан шўр сув йўқ эканлигини билдим» дейди. Инсон уч нарсанинг қадрини доим кечикиб англайди — қаринг чоғида ёшликни, уруш пайтида тинч-ликни, бемор пайтида соғ юрган пайтларини. Мана шунча пайт ўтган бўлса-да, менинг хаёлимда театр жонлиби яшади. Кечки пайта дахнада қўйилаётган спектаклларни юрагимдан ҳис этиб турдим. Бу пайта вужудимда иш-жоат, матонат пайдо бўлиб мени театр томон етаклар эди.

Тушакда милихониб ётган пайтларимда ҳам бир марта бўлса-да яна театрга ўз оёқларим билан кириб борар эканманми деган хаёл тинчлик бермасди. Руҳиятимдаги кўтаринкилик мени театр биносига бошлади. Соғ-саломат етиб келдим. Саҳна томон юрар эканман, кўларимдаги қувонч ёшларини яшириб қадам ташлардим. Мен яна театримга актёр бўлмасам-да, томошабин бўлиб кириб келганим учун ҳам шукроналар айтдим. Шунча вақт ўтса-да театри, ҳамкасбларимни бир сония ҳам унутганим йўқ, бу даргоҳ мен учун актёр бўлиб етишишимда ўз ёрдами билан беминнат ҳомий бўлиб қолади.

**Марғуба ОМОНОВА,
«Нуқуқ»нинг жамоатчи муҳбири**



Зомин тоғларининг бетакорр манзараси. Фозил МАМАШАРИПОВ олган сурат

Моҳият
Ўқув қайда бўлса,
улуғлик бўлар,
Билим қайда бўлса,
буюклик бўлар.
Юсуф Хос ХОЖИБ

Ўтганларнинг охираги обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ҳамда фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази прокуратуранинг фахрий ходими **Азим ЮНУСОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ачуқ ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ҳамда фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази прокуратуранинг фахрий ходими **Амонжол СЕЙТОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

HUQUQ
yuridik gazeta
Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi, Toshkent shahar va Toshkent viloyati prokuraturalari, «Qonun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:
Abdulloliq ABDURAZZOQOV
Tahrir hay'ati:
Bahridin VALIYEV, Azimjon ERGASHEV, Dilshod ISLOMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (has ul kotib), Lola SHOMURODOVA, Hasan INOYATOV, Muxtor SHODMONOV

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66.
Telefon: 133-82-34, 133-64-72.
E-mail: Info@huquq.uz
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Г — 470. 17110 nusxada chop etiladi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi. **Newsbatachi muharriri H. NISHONOV** **Newsbatachi A. MUSTAFOYEVA**
Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etiladi. Korxonaga manzil: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda